



XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2015-yil 8-yanvar, payshanba, 02 (582)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7 январь куни Оқсаройда Миср Араб Республикаси, Вьетнам Социалистик Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Индонезия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчилари этиб тайинланган Гада ал-Ганнам, Фам Ван Фао, Викрам Дораисвами, Алит Сантикадан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиздаги дипломатик ваколатхоналарнинг янги тайинланган раҳбарларини самимий қутлар экан, уларнинг шарафли ва масъулиятли фаолиятига муваффақият тилади. Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон халқаро ва минтақавий долзарб масалаларда тобора муҳим ўрин тутаётган Миср, Вьетнам, Ҳиндистон ва Индонезия билан алоқаларни ҳар томонлама мустақамлашга алоҳида аҳамият бераётганини таъкидлади.

Миср элчиси билан суҳбатда ҳар икки мамлакат сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан бирдай манфаатдор экани қайд этилди.

Элчи Гада ал-Ганнам дунёда нафақат бой маданий ва тарихий мероси билан машҳур бўлган, айни пайтда замонавий шароитда ишончли ҳамкор сифатида танилган Ўзбекистонда Миср вакили сифатида фаолият юритишни ўзи учун юксак шараф, деб билишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасидаги кўп йиллик алоқалар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган муносабатлар изчил мустақамлашиб бормоқда. Кейинги йилларда турли даражадаги мулоқотларнинг фаоллашуви иқтисодийнинг реал секторидagi ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини биргаликда белгилаш ва муттасил ривожлантириш имконини бермоқда.

Элчи Фам Ван Фао мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш, давлатлараро битим ва келишувларни амалга оширишда ўзининг куч ва имкониятларини ҳамда дипломатик тажрибасини ишга солишини таъкидлади.

Ўзбек ва ҳинд халқларининг кўп асрлик савдо ва маданий алоқалари, дўстлиги ва маънавий яқинлиги турли соҳаларда икки томонлама муносабатларни изчил ривожлантиришнинг мустақам асосини ташкил этади. Ҳиндистон элчиси билан мулоқот чоғида олий даражадаги ташрифлар мунтазамлик касб этгани, шунингдек, икки мамлакат ҳукумат тузилмалари, ишбилармон доиралар вакиллари, маданият арбоблари ўртасидаги алоқалар ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш борасида улкан салоҳият мавжудлигига ёрқин мисоллар экани таъкидланди.

Элчи Викрам Дораисвами Ўзбекистондаги фаолиятини мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик алоқаларини янада ривожлантиришга ҳисса қўиши учун катта имконият, деб билишини қайд этди.

Ўзбекистон Индонезияга Жануби-шарқий Осиёдаги муҳим ва истиқболли шериклардан бири сифатида қарайди. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўзаро манфаатли савдонинг ривожлантириш, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ва бошқа соҳалардаги алоқаларни чуқурлаштириш борасида улкан имкониятларга эга.


Элчи Алит Сантика Индонезия Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Мулоқотлар чоғида томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий масалалар бўйича ҳам атрафли фикр алмашилди.

(ЎзА)

14 ЯНВАРЬ — БАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ЮРТГА САДОҚАТ — ОЛИЙ САОДАТ



Ўз мустақиллигини, тинчлигини асрай олган давлатгина барқарор ривожланади, гуллаб-яшнайд. Шу боис мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган ислохотлар натижасида нисбатан қисқа давр ичида Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини таъминлай оладиган, ихчам, тезкор, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоялашга қодир профессионал армия шаклланди.

3

Равшан Эрматов — дунёнинг энг кучли ҳакамлари сафида

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) томонидан 2014 йил январида бўйича дунёнинг энг яхши футбол ҳакамлари рўйхати эълон қилинди. Унда 37 балл жағраган ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов бешинчи ўринни эгаллади.

2003 йилдан бунён ФИФА таснифидagi учрашувлари бошқариб келаятган Р.Эрматов футбол бўйича девяри барча нуфузли мусобақаларда ҳакамлик қилган.

Ҳамюртининг 2014 йили Бразилида ўтказилган жаҳон чемпионатида жами тўртта — гуруҳ босқичида Швейцария — Эквадор, АҚШ — Германия ва Мексика — Хорватия, чорак финалда Голландия — Италия терма жамоалари ўртасидаги учрашувларни муваффақиятли бошқарди. Р.Эрматов ҳакамлик фаолияти давомида жаҳон чемпионатлари финал босқичида энг кўп — 9 учрашу бошқариб, дунё рекордини ўрнатди.

(ЎзА)

САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарди

Мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 9 ва 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови бўйича сайлов округлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Марказий сайлов комиссияси уларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида қарор қабул қилинди. Марказий сайлов комиссияси уларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида қарор қабул қилинди. Марказий сайлов комиссияси уларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузди.

1-Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида қарор қабул қилинди.

2-Андижон сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 32-уй. Сайловчилар сони — 1923333 киши.

2

1-Қорақалпоғистон сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги биноси, Нукус шаҳри, У.Татибоев кўчаси, 19-уй. Сайловчилар сони — 1159795 киши.

КЕЛГУСИ СОНДА:

ИЛГАРИ АКСАРИЯТ КИШИЛАР ОНГИДА ТАДБИРКОР ХУҚУҚБУЗАРЛИККА МОЙИЛ, ТЕКИН ДАРОМАД ҲИСОБИДАН КҮН КЎРАДИГАН ОДАМ ДЕГАН ҚАРАШЛАР МАВЖУД ЭДИ. БУНДАЙ ҚАРАШЛАРДАН ВОЗ КЕЧИШ, УЛАРГА КЕЛАЖАҚДА ЙЎЛ БЕРМАСЛИК УЧУН ИСЛОХОТЛАРНИ СОБИТҚАДАМЛИК БИЛАН ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ, ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕРЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАШ, УЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ҲИСОБИГА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШ БОШ МЕЗОН СИҒАТИДА БЕЛГИЛАНДИ.

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича 22 та сайлов округида бўлиб ўтган такрорий овоз бериш якунларига кўра, О'зЛиДеРдан номзоди кўрсатилганларнинг 5 нафари депутат сифатида рўйхатга олинди. Хусусан, 72-Қумқўрғон сайлов округидан Муродилла Турсунов, 48-Чуст сайлов округидан Раҳим Ҳақимов, 106-Боғот сайлов округидан Анварбек Матякубов, 70-Термиз сайлов округидан Абдуқодир Тошқулов, 91-Данғара сайлов округидан Шухрат Шарафутдинов кўп овозга эга бўлди

2

«ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ҲАР БИР ФУҚАРОСИНИНГ БУРЧИДИР. ФУҚАРОЛАР ҚОНУНДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ҲАРБИЙ ЁКИ МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИ ЎТАШГА МАЖБУРДИРЛАР».

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 52-модда.

БУГУНГИ СОНДА:

ЖАРАЁН Марказинг диққат марказидаги масалалар

ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА Истақ ва интилиш бўлса, имкон ҳам, вақт ҳам топилади

ХАЛҚАРО ҲАЁТ Тadbирли иш тарқамас

СЎНГИ САҲИФА Мақсад — қитъада биринчи бўлиш!

Фракциянинг таъсис мажлиси

Шу йилнинг 5 январь куни Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди

Унда О'зЛиДеРдан парламент қуйи палатасига сайланган 52 нафар депутат, шунингдек, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари иштирок этди.

Мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги

қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси

Содиқжон Турдиев фракция раҳбари этиб сайланди.

Шунингдек, мажлисида Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини тавсия этиш бўйича Оқсоқоллар кенгашига О'зЛиДеР фракциясидан икки нафар вакил кўрсатилди ва маъқулланди.



Солмақ ЗОИМР оспан сураг

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 6 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)
*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлигини олмайди.

1 Австралия доллари	1953,69	1 АҚШ доллари	2424,23	1 Хитой юани	389,74	1 Туркия лираси	1034,23	10 Япония иенаси	201,18
1 Англия фунт стерлинги	3705,68	1 Миср фунти	339,05	1 Малайзия рингити	684,81	1 Швейцария франки	240,01	1 Россия рубли	43,11
1 Дания кронаси	389,04	1 Исландия кронаси	18,88	1 Польша злотийси	674,39	1 ЕВРО	2960,23	1 Украина гривнаси	153,74
1 БАА дирхами	660,01	1 Канада доллари	2053,56	1 СДР	3512,25	10 Жанубий Корея вони	21,86		

МУНОСАБАТ

ОНАГА ҲАЙКАЛ ҚЎЙГАН ЭЛ

Меҳнат қилган — элда азиз. Бу халқона ҳикмат замирида бир олам маъно мужассам. Ҳаётимиз тобора янги маъно ва мазмун касб этмоқда. Ўтмиши буюқ, келажаги порлоқ юртининг аёлларидан бири сифатида бугун ислохотларни чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшаётганимдан бахтиёрман



Раъно РАҲИМОВА,
«Дўстлик» ва «Меҳнат шухрати»
орденлари соҳиби,
Жондор тумани

Мамлакатимизда қайси йилга қандай ном берилишидан қатъи назар, унинг замирида аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, миллат шаънини улуғлаш каби устувор мақсадлар ётади. Мухтарам Юртбошимизнинг Бош қомусимиз қабул қилинганнинг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини тинглаб эканмиз, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Ўзбекистон довруғини дунёга танитиш, унинг иқтисодий салоҳиятини ошириш эса муҳим стратегик мақсадларимиздан биридир.

Жамият олдидаги масъулият туйғуси ҳар биримизни ижтимоий-сиёсий фаолликка ундамоқда. Давлатимиз раҳбари муҳтарам опа-сингилларимиз манфаатини кўзлаб, чекка қишлоқларда гўзаллик салонлари, таъмирлаш ва тикув цехлари, маиший хизмат шохобчалари барпо этилгани, улар турмуш маданияти ва фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилгани, аёлларни тадбиркорлик соҳасига жалб этиш мақсадида тижорат банклари томонидан 770 миллиард сўмлик кредитлар ажратилгани, юқоридagi хайрли ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилишини алоҳида таъкидладилар. Бу эса биз — аёллар ва оналарнинг қалбини фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирди.

Шаҳарозилиқда замонавий лойиҳалар нафақат марказлар, балки қишлоқ худудларида ҳам рўйбга чиқарилаётгани янада қувонарлидир. Биргина туманимизда «Соғлом бола йили» Давлат дастурига асосан улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ҳозирда туман марказининг ўзида 7 та, қишлоқ худудларида 14 та гўзаллик салоҳи фаолият кўрсатмоқда. Марказий шифохонанинг тез шовилчин тиббий ёрдам ҳамда болалар бўлимлари замонавий усулда қайта қурилди. Шу кеча-кундузда барча қулайликларга эга бўлган янги туруқ мажмуи аҳоли хизмати учун шайланмоқда. Мустақиллик шодиёналари арафасида қуриб битказилган мусиқа ва санъат мактабида таълим олаётган болаларнинг ҳам қувончи бир олам. Бундай ўзгаришлар замирида, шубҳасиз, инсон омилига бўлган юксак эътибор ва ғамхўрлик ётади.

2015 йилнинг Кексаларни ёъозлаш йили деб эълон қилиниши эса халқимизга хос бўлган бағрикенглик ва мурувватпешаликнинг амалдаги яна бир ифодасидир. Зеро, ёшлар онгу шуурида катталарга ҳурмат, ичкиларга иззат билан муносабатда бўлишдек азалий қадриятларни шакллантириш, уларни эъзу анъаналарга садоқат руҳида камол топтириш биринчи даражали вазифамиз саналади. Кексалар хонадонимиз фарштаси ва сариштаси эканлигини асло унутмаслигимиз лозим.

ҚАРИСИ БОР УЙ...

Ҳар қандай жамиятнинг келажagini юксак маънавиятли, билимдон, шижоатли ва ташаббускор ёшлар белгилайди. Шу маънода мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар моҳитдан навқирон авлодга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, ўғил-қизларни маънан етук, жисмонан соғлом эҳтиб тарбиялашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Хусусан, ўз бизнесини йўлга қўйган ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида ҳар қанча фахрлиниб гапирса арзийди

Оила аъзоларимиз ҳамда овулдошларимиз билан кенгашиб, «Худияр Ахун» фермер хўжалиги фаолиятини йўлга қўйганмиз. 105 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштирилади. Йиллик шартнома режалари ортиги билан бажариб келинмоқда. Жумладан, 2014 йилда 62 тонна ўрнига 70 тонна сифатли пахта хомаёши етиштиридик. Маҳалла-кўй олдига юзимиз ёруғ бўлди. Ғаллачилик ва пиллачилик соҳасида эришилаётган натижалар ҳам чакки эмас. Белгиланган шартнома режалари ортиги билан урдаланмоқда. Булар, шубҳасиз, фидокорона меҳнат ва аҳиллик самарасидир.

Ҳозирги кунда хўжалигимизда 24 киши доимий иш билан таъминланган. Уларнинг рўзғори бутлуги, оиласи фаровонлиги учун яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда. Чунончи, ўтган йил давомида ҳар бир хонадонни 200 килограмм картошка, 250 килограмм пиёз, 350 килограмм сабзи ва бошқа турдаги мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни анъанага айлантирганмиз. Бу эса иш унумдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки турмуши, бола-чақасидан кўнгли тўқ одамгина жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўша олади.

Давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор биз, ёшларни янада улкан марралар сари руҳлантирмоқда. Зеро, шу овоз ва обод юрда яшашнинг ўзи катта бахтдир. 2010-2012 йилларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган «Еш тадбиркор — юртга мададкор» танлови республика босқичи ғолиблигини қўлга киритиб, имтиёзли кредитлар олишга муваффақ бўлгандим. Интилган муродиға етади, албатта. Буни ўз фаолиятим мисолида қўриб турибман. Жумладан, «Ташаббус-2012» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида катнашиб, «Энг яхши ёш фермер» номинацияси бўйича фахрли ўринни эгалладим.

2014 йил ҳам ҳаётимда унутилмас эълон қилдири. Камтарона меҳнатларим инобатга олиниб, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландим. Қувонч ва ҳаяжонимнинг чеки йўқ. Ушбу мукофот зимамга улкан масъулият юклайди. Келажакда фермер хўжалигини янада кенгайтириш, она-заминимизда етиштирилган сарҳил меваларни жаҳон бозорига чиқаришни режалаштирганмиз. Чунки экспорт юксак иқтисодий салоҳиятга эришиш имконини беради. Бу амалий тажрибадан яхши маълум.

Мухтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантананда 2015 йилни Кексаларни ёъозлаш йили деб эълон қилди. Турмушимиз фаровонлиги, хонадонларимизнинг аҳил-иноқлиги ва қўт-барақаси асосан ёши улуг инсонларга боғлиқдир.

Бинобарин, уларни ҳар қанча қадрласак, шунча оз. Биз, ёшлар ҳали улардан кўп нарса ни урганишимиз лозим. Зеро, қариси бор уйнинг — париси бор, деган гап бекорга айтилмаган.

Баҳоидир АДИЛЧАЕВ,
«Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби, КеҒейли туманидаги «Худияр Ахун» фермер хўжалиги раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

3-Бухоро сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шох кўчаси, 3-уй. Сайловчилар сони — 1229045 киши. Бухоро вилояти чегараси доирасида.

4-Жиззах сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими биноси, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шох кўчаси, 70-уй. Сайловчилар сони — 813965 киши. Жиззах вилояти чегараси доирасида.

5-Навоий сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — «Фарход» маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги шох кўчаси, 67-уй. Сайловчилар сони — 628592 киши. Навоий вилояти чегараси доирасида.

6-Наманган сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган

манзил — Ёшлар маркази биноси, Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 15-уй. Сайловчилар сони — 1713268 киши. Наманган вилояти чегараси доирасида.

7-Самарқанд сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей биноси, Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 237-уй. Сайловчилар сони — 2294602 киши. Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

8-Сирдарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 66-уй. Сайловчилар сони — 513100 киши. Сирдарё вилояти чегараси доирасида.

9-Сурхондарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси, Термиз шаҳри, Алишер На-

воий кўчаси, 12-«В» уй. Сайловчилар сони — 1515308 киши. Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.

10-Тошкент вилояти сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — вилоят молия бошқармаси биноси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амр Темур шох кўчаси, 17-уй. Сайловчилар сони — 1905858 киши. Тошкент вилояти чегараси доирасида.

11-Фарғона сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши биноси, Фарғона шаҳри, Сайилшоҳ кўчаси, 27-уй. Сайловчилар сони — 2342899 киши. Фарғона вилояти чегараси доирасида.

12-Хоразм сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — «Баркамол авлод» болалар маркази биноси, Урганч шаҳри, Фафур Фулом кўча-

си, 1-уй. Сайловчилар сони — 1127706 киши. Хоразм вилояти чегараси доирасида.

13-Қашқадарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — «Ўзгеобурғунетгаз» акциядорлик компанияси биноси, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35-уй. Сайловчилар сони — 1903740 киши. Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.

14-Тошкент шаҳар сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Тошкент шаҳар ҳокимлиги маъмурий бинолардан фойдаланиш департаменти-га қарашли бино, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амр Темур шох кўчаси, 14-уй. Сайловчилар сони — 1726841 киши. Тошкент шаҳри чегараси доирасида.

2. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси М.Абдусаломов.

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ЎТДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов яқунлирига бағишлаб оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингга қайд этилганидек, 22 та сайлов округининг ҳар бирида асосий сайлов натижалари бўйича энг кўп овоз олган икки нафардан депутатликка номзодга тақрорий овоз берилгани йилгиланларни берафқ қолдирмади. Ушбу округларда сайловчилар рўйхатиға киритилган 3 млн. 434 минг 345 нафар сайловчидан 2 млн. 642 минг 63 нафар сайловчи тақрорий овоз беришда иштирок этиди. Бу рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 76,9 фоизи сайловда бевосита қатнашганлигидан далолатдир.

Таъкидлаш жоизки, О'zLiDeP ҳам ана шу муҳим



сиёсий жараёнда муносиб иштирок этиб, парламентда энг кўп депутатлик ўрнини қўлга киритди. Бу эса тадбиркорлар, фермерлар, хусусий сектор вакиллари, моддий ва интеллектуал мулк эгалари манфаатларини ифодалаган ва ҳимоя қилиб келаётган О'zLiDeP яна

бир бор ишонч билдирилгани намунасидир. Шу боис партия ўз қучиға қатъий ишониб, бугунги дари ўртага қўяётган муаммоларни сир-қидилдан ва масъулият билан ҳал қилишга бел боғлаши керак.

Брифингда Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов

сайлов миллий сайлов қонунчилигида мустақамлаб қўйилган очиклик, ошкоралик ва муқобиллик каби демократик принципларга тўла риёя қилинган ҳолда ўтказилганини қайд этди.

Сайланган депутатларнинг 40 нафари ёки 27 фоизи илгари Қонунчилик палатаси депутати бўлганлиги ҳам йилгиланларни берафқ қолдирмади. Бу уларнинг ўз сайловчилари ишончиға сазовор бўлганлиги тасдиғи ҳисобланиб, парламентимиз қўйи палатаси профессионал фаолиятида уларнинг тажрибаси ва қонун ижодкорлиги борасида амалий кўникмаларидан янада самарали фойдаланиш имконини беради.

Маълумки, сайлов жараёналарининг очиклиги ва ошкоралиги кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий кузатувчилар фаолияти билан

боғлиқдир. Сайлов жараёнини 550 дан ортиқ миллий ва 120 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситаси, жумладан, 180 дан ортиқ интернет-нашр ёритиб борди. Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ 9 миңдан ортиқ материал эълон қилинди. Шунингдек, сайловни кузатишда 5 та халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, 52 хорижий давлатдан 340 дан ортиқ кузатувчи ва депутатликка номзодларни илгари сурган сиёсий партияларнинг 70 миңдан зиёд кузатувчиси ва ваколатли вакили сайловни мониторинг қилиб борди.

Рағбат

Ютуқларга чорлар

Президентимиз Ўзбекистон халқига янги йил табриғида юртимизнинг янада равнақ топиши, эзгу ниятларимиз рўйбга чиқши учун барчамизга чин қалбдан тилак билдирдилар. Яхши ният — ярим давлат, деганларидай улар, албатта, ўз иклатини топишиға ишонаман

Баҳоидир КЕНЖАЕВ,
Боёвут туманидаги «Ахмадий» фермер хўжалиги раҳбари, «Шухрат» медали соҳиби

Биргина мисол: кунни кеча кузатганимиз — 2014 йил кўплаб қувончли, оламшумул воқеаларга бой бўлди. Мамлакатимизда юз берган ижобий ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг янгиланиши, яшариши, иқтисодиётимизнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётгани кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда.

Кейинги йилларда қишлоқларимизда қурилаётган намунавий лойиҳадаги турар-жойлар худудларга кўр бағишлабна қолмай, халқимизни эртанги кунга бўлган ишончини янада мустақамламоқда. Масалан, ўтган йили фермер хўжалигимизнинг беш нафар аъзоси, шу жумладан, бизнинг оиламиз ҳам барча қулайликларга эга, шарт-шароитлари шаҳарникидан қолишмайдиган турар-жойларга эга бўлди.

Яна бир эътиборли жиҳат: фермерлар қишлоқда тобора етакчи қуча айланиб бормоқда. Илгор фермер хўжалиқларининг саъй-ҳаракати билан қишлоқда саноатни олиб кириш тезлашяпти. Кўп тармоқли фермер хўжалиқларида янги-янги иш ўринлари яратилмоқда. Қишлоқларда маиший ва сервис хизмати кўрсатишни ривожлантиришда ҳам фермерлар ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Бунда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада тақомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони дастуриламал вазифасини ўтаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Яратилаётган қулай шарт-шароитлар туфайли қулнган йилда ғалладан ўртача 60, пахтадан 40 центнердан хирмон кўтардик.

«Ташаббус-2014» кўрик-танловида вилоятда ғолибликни қўлга киритиб, республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этдик. «Энг яхши фермер» номинацияси бўйича бош соврин — автомобиль билан тақдирландик. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида «Шухрат» медали билан мукофотландим.

ЮРТБОШИМИЗНИНГ ТАБРИГИДАГИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИҚЛАРИ УЧУН ЯНГИ ЙИЛДА ЯГОНА СОЦИАЛ ТЎЛОВЛАР СТАВКАСИ 25 ФОИЗДАН 15 ФОИЗГА ТУШИРИЛИШИ НАТИЖАСИДА 440 МИЛЛИАРД СЎМДАН КЎПРОҚ МАБЛАҒ ГУЛКРОРЛАР ИХТИЁРИДА ҚОЛАДИ, ДЕГАН МАЛКЛАРИНИ ҚЎБИ, БОШИМ ОСМОНГА ЭТДИ.

Бундай эътибордан руҳланиб, қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини янада оширишга муносиб ҳисса қўшиш ва янги йилда 10 нафар қишлоқ ёшини иш билан таъминлашга аҳд қилдим.

ЮКСАЛИШНИНГ ЁРУФ ЙЎЛИ

Президентимиз Ислон Каримов мустақил мамлакатимиз ахлиға йўллаган янги йил табриғида Ўзбекистон давлатимиз чин маънода унчи миғ йилликнинг мухтасар мақсадлари йўлидан дадил бораётганини, Соғлом бола йили биз учун ҳар томонлама самарали ва ҳосиятли бўлганини алоҳида таъкидладилар.

2014 йил аҳил жамоамиз аъзолари кўнглини гурур ва ифтхорға тўлдирди. Негаки, шу йилда масъулияти чекланган жамиятимиз томонидан жами 5,5 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи рақобатбардор маҳсулот, яъни 366453 дона аккумулятор монокорларни реализация қилинди. Соф фойдаимиз 360 миллион сўмдан ошиши кутилмоқда. 40 нафар ишчи-хизматчининг барчаси юқори миқдордаги маош, илгор иш шартноллари билан таъминланган. Соғлом бола йилида касб-хунар коллежларининг етти нафар битирувчисини ўз сифатиға қўшиб олдик. Ҳар бириға тажрибали ишчиларни мураббий қилиб белгиладик.

Давлатимиз раҳбари ўз табриғида Ўзбекистоннинг бугунги кунда тараққиёт йўлида барқарор суръатлар билан қадам қўяётгани, одам ва фаровон хёт кураётганида бу саховатли заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг, унинг миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар, муносиб ҳиссаси берилганини қайд этдилар. Томчида қўш акс этганидек, бизнинг кичик, амо катта мақсадлар билан яшаётган жамоамизда бир неча миллат вакиллари бир ёқадан бош чиқариб ишламоқда. Ҳар бир шаҳри, ҳар бир қишлоғи, ҳар бир маҳалласи, ҳар бир хонадон тобора гўзаллашиб бораётган юрт, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қўлла-қувватлаб турилган мамлакатда, жаҳонда тинчлик ва осийшталик ташаббускори бўлиб майдонга чиққан давлатда ишлаш, яшаш, фарзандлар бахту камоллини, пиру бадавлат отахон ва онахонларнинг эъзозланётганини қўришдан ортиқроқ бахт бўлиши мумкинми?! Демак, биздан бу ободлик, бу фаровонликка муносиб уллушимизни қўшиш талаб этилади, холос!

Арслон ҚАЛАНДАРОВ,
Хоразм вилоятидagi «Миннаккумулатор» МЧЖ раиси,
О'zLiDeP фаоли.

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Юртга садоқат — олий саодат

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Фахриддин НУРАЛИЕВ,
«XXI asr»

Юртимиз фуқароларининг муқаддас ҳарбий хизматини ўташ тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг маъноси ишлар бажарилди. Қонунчиликка мувофиқ, ҳарбий хизмат муқаддас ун икки ой этиб белгиланди. Фуқароларни танлов асосида муқаддас ҳарбий хизматга олишнинг муқамал механизми яратилгани чақирув комиссиялари ишига соҳа ходимларидан ташқари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, «Камолот», ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари вакилларининг ҳам жалб этилгани сафарбарлик тайёргарлигини янада такомиллаштиришга қўмаклашаётди.

— Юртимиз тинчлиги, халқимиз оқолини таъминлаш ватанпарварлигининг олий даражадаги кўришидир, — дейди Зангиота туманидаги «Ибрат» МФЙ раиси Эргаш Шокиров. — Шу биз маҳалламизда йигитларни ҳарбий хизматга қузатиш ва кутиб олиш маросимларини кўтаринки руҳда ўтказишга алоҳида эътибор бераёلمиз. Бундай муносабат уларнинг руҳини кўтариш баробарида масъулиятини ҳам оширади. Буни шахсий ҳаётимдан жуда яхши биламан. Чунки катта ўғлим Хуршид майор, укаси Жамшид капитан. Бир неча йилдирки, юртимиз сарҳадларини қўриқлаб келишяпти. Мен улар билан фахрланаман.

Мамлакатимизда Эргаш ака сингари фарзандлари билан ғурурланадиган оталар сони тобора ортиб бормоқда. Чунки хизматдаги аскарлар ҳарбий мутахассислики

амал қилади. Қуролли Кучлар тизимига амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ислохотлар натижасида миллий армиямизда юксак маънавий муҳит шаклланди. Буни бугунги кунда ҳарбийликнинг фахрли хизматга айланганида ҳам кўриш мумкин. Йигитларимиз учун ҳарбий хизмат нафақат бурч, балки шон-шаффага айланди.

Шу кунларда Президентимизнинг 2014 йил 9 декабрдаги «Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши асосида ушбу байрамни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида катта тантана билан нишонлашга ҳозирлик қилинаёпти. Бундай оммавий тадбирлар ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдек улғу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.



Марказнинг диққат марказидаги масалалар

О'zLiDeP хузуридаги Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази кичик бизнес субъектлари, фермер хўжаликлари манфаатларини ифода этиш ва қонуний ҳақ-хуқуқларини муҳофаза қилиш борасида самарали фаолият юритмоқда



Марказ ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши каби бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда муайян ишларни амалга оширди. Чунончи, давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги билан биргаликда «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич» лойиҳасининг «Қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларни ўқитиш ва уларга консалтинг хизматлари кўрсатиш» компоненти айнан марказ томонидан амалга оширилди. Унга асосан Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган ўқув-семинарлар уюштирилди. Мазкур машғулотларда Ўзбекистон пахтачиллиги, Қашқадарё бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги,

академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтлари, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси, Тошкент давлат аграр университети, Андижон қишлоқ хўжалиги институти, шунингдек, бошқа нуфузли илмий-тадқиқот муассасаларининг етук олим ҳамда мутахассислари қатнашдилар. Боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, интенсив боғларни барпо этиш ҳамда сифатли маҳсулотларни етиштириш, лойиҳа-тажриба ҳудудларида кузги бошоқли дон ва гўза экинларини етиштиришда агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, чорвачиликка алоқадор соҳаларни янада кенгайтириш, зооветеринария сервис хизмати сифатини ошириш, фермер хўжаликлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини автоматлаштириш сингари долзарб мавзуларга бағишланган семинар-машғулотларда 13650 нафар деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбари ўз билимини оширди.

Шунинг баробарида тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати

тининг жадал ривожланишига тўқинлик қилаётган, хусусий сектор вакиллари фаолияти эркинлигини кенгайтирган айрим муаммоларни тизимли ўрганиб бориш ҳамда уларни бартараф қилишга қаратилган «Тадбиркорлар мулоқот форуми» лойиҳаси ҳам муваффақиятли амалга оширилганини қайд этиш лозим. Бу лойиҳа доирасида республика ва вилоятлар миқёсида 200 дан ортиқ махсус амалий мулоқот, семинар ва учрашув ташкил этилди. Тадбирларда иштирок этган ишбилармон ва фермерлар, соҳа мутахассислари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан билдирилган 700 дан ортиқ тақлиф О'zLiDePнинг парламентдаги фракцияси фаолиятида алоҳида ўрин тутганини таъкидлаш жоиз.

Оилавий тадбиркорликнинг афзалликларини аҳолига тушунтириш, шунингдек, оилавий корхонани ташкил этиш ва юритишга дахлдор барча тузилмалар тизимида олиб борилаётган тарғибот ишларини янада кенгайтириш, шу йўналишда бизнес бошламоқчи бўлганларга индивидуал ёндашиш, оилавий тадбиркорликка татбиқ этиш мумкин бўлган илғор тажриба ва инновацияларни омалаштириш мақсадида марказ томонидан «Мулкдор оила» лойиҳаси ҳаётга татбиқ қилинаётганлиги ҳам эътиборга молик. Жойларда, биринчи навбатда, чекка ҳудудларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун аввалдан мавжуд, лекин ишга солилмаётган ресурсларни ҳаракатга келтириш, соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг ечимини юзасидан асосли тавсиялар тайёрлаш ушбу лойиҳанинг бор мақсадидир.

Уч йил давомида ўтказиб келинаётган лойиҳанинг ижобий натижалари борасида қуйидагиларни тилга олиш мумкин: мазкур тадбирлар доирасида 2012-2013 йилларда деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларга асосланган субъектлар ҳамда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган 5024 нафар талабгор учун оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ва юритиш бўйича турқум семинарлар ўтказилди. Аҳамиятлиги, мутахассислар лойиҳа иштирокчиларининг умумий қиймати қар

рийб 26 млрд. сўмлик бизнес-режаларини молиялаштиришни мақсадга мувофиқ деб топишди. Қатнашчилар томонидан 286 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиши натижасида жами 2010 этиш юзасидан амалий тақлиф ва ташаббусларни ишлаб чиқишга қаратилган «Тадбиркорлар мулоқот форуми» лойиҳаси ҳам муваффақиятли амалга оширилганини қайд этиш лозим. Бу лойиҳа доирасида республика ва вилоятлар миқёсида 200 дан ортиқ махсус амалий мулоқот, семинар ва учрашув ташкил этилди. Тадбирларда иштирок этган ишбилармон ва фермерлар, соҳа мутахассислари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан билдирилган 700 дан ортиқ тақлиф О'zLiDePнинг парламентдаги фракцияси фаолиятида алоҳида ўрин тутганини таъкидлаш жоиз.

2014 йилда ҳам лойиҳани амалга ошириш ишлари қизғин давом этди. Хусусан, май-июнь ойида бўлиб ўтган туман бўсқичларида деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларга асосланган оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган 3723 нафар талабгор иштирок этди. Пировардида 760 нафар иштирокчиларнинг умумий қиймати 18 млрд. 445 млн. 250 минг сўмга тенг бизнес-режаси молиялаштиришга лойиқ кўрилди — уларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Улар асосида жойларда банклар томонидан 422 нафар лойиҳа иштирокчисига бугунгача 8 млрд. 290 млн. 687 минг сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Бундан бир неча ҳафта аввал «Ехроспект» МЧЖ, Марказ ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида боғдорчилик, полизчилик, асаларичилик ва гулчилик соҳаси бўйича «AgroFood-2014» номли халқаро кўргазма ва конференция ўтказилгани ҳам диққатга сазолар. Тадбирда мамлакатимизда самарали фаолият олиб бораётган 60 дан зиёд фермер хўжалиги, агрофирма ҳамда асаларичилар, гулчилар, шунингдек, чет эл компаниялари вакиллари иштирок этдилар. Конференцияда боғдорчилик, полизчилик, асаларичилик ва гулчиликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболига оид масалалар муҳокама қамраб олинди.

Мухтасар айтганда, Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази хусусий сектор вакиллари учун янада қулай фаолият муҳитини яратиш борасида бутун куч ва имкониятларидан тўла фойдаланишга интилиб, муайян ижобий натижаларга эришмоқда.

Ҳамид КАМАЛОВ,
О'zLiDeP Сийёси Кенгаши
Ижроия Қўмитаси Бизнес
тузилмалар ва фермерлар
билан ишлаш бўлими ходими.

«Обод юрт»даги давра суҳбати

Сирдарё вилоятининг Янгйер шаҳридаги «Обод юрт» маҳалласида О'zLiDePнинг давлат ва жамият қурилишини либераллаштириш соҳасидаги устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия шаҳар кенгаши Аёлларнинг сийёси фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими фаоллари, БПТ аъзолари, маҳалла фаоллари иштирок этди. Тадбирда сўнги йилларда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, фуқароларга кўрсатилаётган ҳуқуқий ёрдам, аҳолининг сийёси оғи ва тафаккурини юксалтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, оилавий бизнесни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилаётганлиги, аёлларимизни тадбиркорликка жалб этиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кредитлар ажратилаётганлиги хусусида сўз юритилди.

Дилноза НОМЗООВА.

Ҳисоботларнинг 98 фоизи электрон тарзда топширилди

Давлат статистика қўмитасида «Тадбиркорлик фаолиятини юритиш шарт-шароитларини тубдан яхшилаш, интерфаол хизматлар ва давлат статистика кузатувлари шакллари тақдим этиш жараёнини такомиллаштириш масалалари» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди

Унда таъкидланганидек, Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида мувофиқ давлат статистика органлари томонидан ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, ҳуқумат қарорлари ҳамда муҳим мақсадли дастурлар ижросини кузатиб бориш учун зарур бўладиган статистик-таҳлилий кўрсаткичлар таркиби ва сифатини ошириш, шунингдек, маълумотларни тайёрлаш тежорлигини таъминлаш, интерактив хизматлар таркибини кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йилнинг июль ойида давлат статистика органларида сифатни бошқариш тизимини жорий этиш доирасида статистик ҳисоботларни тўлдирish учун сарфланадиган вақт, уларнинг тушунарлилиги ва оммабоплиги бўйича ҳисобот топширувчи субъектлар ўртасида илк бор сўров ўтказилди. Бундан қўзғалган мақсад соддалаштирилиши зарур бўлган ҳисоботларни аниқлаш, уларни электрон шаклда тақдим этиш дастурий таъминотини янада яхшилашдан иборат эди.

2015 йилги давлат статистика кузатувлари таркиби бўйича тайёрланган тақлифлар асосида статистик ҳисоботлар сони 141 тадан 125 га қисқартирилди. Эътиборлиси, қисқартиришларнинг асосий қисми тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган йўналишлар бўйича амалга оширилди.

Кичик бизнес субъектлари эндиликда статистик ҳисоботларни йилига бир маротаба тақдим этиш имкониятига эга бўлишдики, бу улар учун ҳар жиҳатдан қулайлик туғдирмоқда. Шунингдек, 2014 йилда йирик тадбиркорлик тузилмалари учун амалда бўлган ойлик ҳисоботлар ўрнига яна, муқаммаллаштирилган тизим ишлаб чиқилди. Қолаверса, ҳозирги кунда Давлат статистика қўмитаси расмий сайти орқали 10 та, жумладан, ҳисоботларни электрон кўринишда қабул қилиш бўйича интерактив давлат хизматлари кўрсатилаётганини таъкидлаб ўтиш лозим. 2014 йил 1 декабрь ҳолатига 98 фоиздан ортиқ респондентлар статистик ҳисоботларни электрон кўринишда тақдим этдилар. «Фирма номларини захирага қўйишнинг электрон тизими» жорий этилган даврдан бошлаб 194 мингдан ортиқ фирма номи белгиланган тартибда захирага олинди.

Яқинда Ўзбекистоннинг Гендер статистикасига бағишланган gender.stat.uz манзилида жойлашган сайт иш бошлади. Мазкур сайт ўзбек, рус ва инглиз тилларида яратилган бўлиб, демография, соғлиқни сақлаш, таълим, меҳнат, ижтимоий ҳимоя ва бошқа йўналишлар бўйича фойдаланувчиларга зарур маълумотларни тақдим этади.

Ўз муҳбиримиз.

Бобуржоннинг қаҳрамонлиги унутилмайди

Ватанимиз озодлиги йўлида жонини фидо қилган йигитлар орасида жасур ўғлон Бобуржон Ғаниев ҳам бор. У ёшлигида мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотига тарбия олди. Спорт билан шуғулланди

Муҳаммадjon МАҲМУДУВ

Умрни оқар дарёга қиёслайдилар. Дарё боғ-роғларга ҳаёт бахш этади. Инсон умри эса эл-юртга хизмат қилиш, билан белгиланади. Ана шундай инсонлар номини халқимиз доимо ҳурмат билан тилга олади. Бобуржон болалигиндан ҳарбий бўлишни хоҳларди. Отаси Абдуҳамид ака капитан унвонига қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилган. Онаси ўқитувчи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Мунавваржон Ғаниева Марғилон шаҳрида устоз-педагог сифатида эъзоз топган.

Истиқболимиз, эркин ва фаровон ҳаётимизни кўролмаган бир гуруҳ террорчилар Саросиё ва Узун туманлари тоғли қишлоқларига бостириб кириб, тинчлик ва оқолини таъминлашга раҳна солмоқчи бўлгани эдимизда. Ушанда террорчиларга қашаткич зарба берган, Ватан ҳимояси йўлида жонини фидо қилган мард ўғлонларимиз орасида Б.Ғаниев ҳам бор эди.

... Тушдан сўнг ҳарбийларимиз Киштут дараларидан бирини назоратга олди. Тоғларга оқшом тез чўқади. Шунинг учун ҳам атрофни зулмат қопламасдан дарани кўздан кеңиб, маррани

эгаллаш ҳақида буйруқ олинди. Лейтенант Б.Ғаниев сафдошлари билан ҳар бир қоя, унгири диққат билан кўздан кечира бошлади. Ўсимликларнинг топталгани Бобурда шубҳа уйғотди. У барчани хушёрликка чақирди. Шунда қоялар орасига пистирма қўйган душман тўсатдан ўт очди. Ўқ йўлига гов бўлган лейтенант оғир ярадор бўлишига қарамай, қуролдошлари хафсиз жойга ўтгунга қадар жангариларга қаршилиқ кўрсатди.

Уша жангдошларининг гувоҳлик беришича, ўттизга яқин қуролланган жангари етти-саккиз гуруҳга бўлиниб, ҳамла қилган. Бобур оғир яраланган бўлса-да, сўнги нафасигача босқинчилар билан олишган.

— Б.Ғаниевдек довурак фарзанд маҳалламизда камол топганидан фахрланамиз, — дейди Марғилон шаҳридаги «Йурмадуз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мухторжон Ҳасанов. — «Шон-шухрат» ордени билан мукофотланган марҳумнинг онаси маҳалламизга кўп йиллар раислик қилган. Қаҳрамоннинг акалари — Бахтиёр ва Баҳодиржон ҳарбий хизматчи, Баҳромжон эса шифокор, онаси Гавҳарга — ҳуқуқшунос.

Бобуржон яшаган хонадонда «Камолот» ЁИҲ ташаббуси билан уй-музейи ташкил этилиб, ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган. Шу кўчага Бобуржон Ғаниев номи берилган.

Қаҳрамонимиз ўқиган 13-мактабнинг фахрий ўқитувчиси Разила Асророва шундай дейди: — Бобуржон фаол, ҳаракатчан ўқувчи эди. Дарс машғулотларига кўплаб саволлар берар, билмаганларини сўраб сурштирарди.

Ўқитувчилардан яна бири Нина Рязанова қалб сўзларини қуйидагича изҳор этади: — Бобуржон бўш вақти бўлди дегунча мактабга, уни у ерда тополмас, уйимга гул кўтариб келарди. Фақат менга шундай қилса керак, деб ўйлардим. Кейин билсам, ҳамма ўқитувчиларни, унга мактаб, коллеж, олийгоҳда илм берганларни ана шундай эъзозлар экан.

— Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш фаолиятимизнинг асосини ташкил этади. Бобуржон бизнинг спорт-техника клубимиз курсанти эди. У ҳарбий мутахассисликни эгаллашга жон дилидан қизиқарди, — дейди мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти шаҳар кенгаши раиси Ваҳобжон Парпиев.

Ватан ҳимоячилари байрами нишонланаётган шу кунларда Бобуржон Ғаниев уй-музейига мактаб, коллеж ўқувчилари ташриф буюриб, унинг ҳаётига оид экспонатлар билан танишилар. Зеро, халқимиз оқолини йўлида азиз жонини қурбон қилган жасур ўғлонлар хотираси ҳеч қачон унутилмайди.



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2015-yil 8-yanvar, payshanba, 02 (582)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Истак ва интилиш бўлса, имкон ҳам, вақт ҳам топилади

Бахтиёр Ортиқов зиёли оилада туғилиб, вояга етган замондошларимиздан бири. Архитектор ота, муаллима она тарбиясини олган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос. Дунёқараши кенг, замонавий фикрлайдиган йигит. Ёши — 28 да. Оилали. Турмуш ўртоғи Мухлиса — уй бекаси. Қизи Феруза ҳадемай бир ярим ёшга киради

Темур АБДУРАҲМОНОВ,
«XXI asr»

О'zLiDeP ўртачирчиқ туман кенгаши раисининг ўринбосари, аппарат раҳбари Каромат Расулова «Тўйгела металл қурилмалар» очик акциядорлик жамиятида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилотининг раиси Бахтиёр Ортиқов ҳақида юқоридаги қисқача маълумот билан қаноатланди.

— Нега айнан у ҳақда ёзишимизни сўраясиз?
— Туманимиздаги етакчи БПТ раисларидан бири. Ташкилотчи, ҳаракатчан. Масъулиятли вазифада эканига қарамай партия ишига ҳам ҳамisha вақт топади.

— Яна?..
— Яхшиси, ўзидан эшитганингиз маъқул. Лекин олдиндан айтиб қўйи, анчайин камтар, баландпарвоз гапларни ёқтирмайди.

Корхонага келганимизда соат тўртлар чамаси эди. Аксига олиб, Бахтиёр Тошкентга кетган экан.

— Жуда иши кўп. Сира тиним билмайди, — дейди корхонага кириш хонасидаги навбатчи аёл. — Бироз кутиб қоласизлар шекилли.

Ҳақиқатан анчагина кутишга тўғри келди. Орадан ярим соатлар ўтгач, опадан унинг телефон номерини сўрадик. Аммо кўнгирак қилишга улгурмадик. Навбатчи кутиш хонасига кириб келган барваста, истарали йигитга пешвоз чиқди.

— Жуда вақтида келдингиз-да, Бахтиёр. Меҳмонлар сизни кутиб туришувди.

Танишдик. Мақсадимизни билгач, ёнимиздаги эшиги қия очик турган хонага таклиф этди.

— Шу ерда гаплаша қолайлик. Ўз хонамга борсақ, кели-кетувчилар вақтимизни олади.

Ишбилармон одамларнинг шуниси яхши-да. Дарров мақ-

садга ўтиб қўя қолишди.

Биринчи саволимиз одатдагидай БПТ фаоллари-ю, аъзолари сони, корхонада партиянинг ўрни кабилардан бошланди.

— Корхонамизда 400 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. 300 нафардан зиёди О'zLiDeP аъзоси.

— Либерал-демократлар корхонаси эканда?

— Шундай десак ҳам бўлаверди. Раҳбаримиз Аҳамхўжа Акрамхўжаев ҳам партиямиз фаолларидан бири.

— Унда омадли БПТ раиси экансиз-да? Раҳбарнинг ўзи қўллаб турганига нима этсин?

— Ташкилотимизга ёрдам бериб туриши рост. Аммо жуда қаттиққўл. Тартиб-интизомни яхши кўрадиган одам. Корхона ишини ҳам, партия ташкилоти фаолиятини ҳам бирдай олиб боришимни талаб қилади. Ҳаммасига улгуриш эса осон эмас. Лекин жамоамиз аҳил. Фаолларимизнинг кўпчилиги ўз соҳасининг етук билимдонлари, жонқуяр мутахассислар. Партиявий ишда ҳам асосан ёш, ташкилотчи ишчи-хизматчиларга таянаман. Мухандис Севара Алматаво, экспедитор Абдулазиз Қодиров, таъминот бўлим ходимлари Абдужалил Нортоев, Карим Усмондиёров энг яқин кўмакчиларим.

— Қачондан бери БПТга етакчилик қиласиз?

— Икки йилдан ошди. Ишга янги келган кезларим бошланғич ташкилотимиз фаолиятини оширишга оид амалий таклифлар билдириб, фаоллар эътиборига тушиб қолдим.

— Улар қандай таклифлар эди?

— Йигилишларда кўплаб яхши ташаббуслар билдирилди-ю, аммо кўплари қоғозда қолиб кетаверарди. Бундай расмиятчиликни ёмон кўраман. Шу боис уларнинг ҳаммасини қарорларга киритишга қатъий қаршилиқ билдирдим. Хуллас, орадан кўп ўтмай ўзимни раис-



ликка сайлаб қўйишди. Балки синамоқчи бўлишгандир. Таъминот бўлимининг бошлиғиман, партия ишларига улгуролмаслигим мумкин, деганимни эътиборга олишмади...

— Ҳақиқатан ҳам БПТ ишларига қандай вақт топиасиз?

— Бошида бироз қийналдим. Аммо истак бўлса, имкон топила экан. Улгураямиз. Бундан ташқари, тез-тез туман кенгашига чақириб туришди. Мажлислар, сиёсий ўқув машғулотлари дегандай...

— О'zLiDeP ғояларига муносабатингиз қандай?

— Партия ташкил топган кезларда 18 ёшда эдим. О'zLiDeP фаолиятини бошлаган йилдаёқ сайловларда энг кўп овоз олгач, партия Устави, Дастури, Сайловолди платформасини топиб, синчиклаб ўқиб чиқдим. Эркин фикр, соғлом ғоялар ҳаётга беварқ қарамайдиган ҳар қандай одамни қизқитириши табиий. Энди ўйлаб қарасам, партиямиз дастлабки қадамлариданоқ асо-

сий эътиборни амалий ишларга қаратгани билан кўпчиликнинг эътиборига тушган экан. Яна бир сабаби — мамлакатимиз аҳолисининг либерал ғояларга ташналиги. Узоқ йиллар ягона партия чизигидан чиқмай келган жамиятнинг эркин фикри кадрлаши табиий. Собиқ тузум даврида «занжирбанд» этилган ишбилармонлар истиқлол тула файли эмин-эркин тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар. Улар фаолиятини қўллаб-қувватловчи партиянинг ташкил топиши эса давр талаби эди. Минглаб тадбиркор ва ишбилармон одамларнинг бошини қовуштирувчи сиёсий кучга эҳтиёж туфайли О'zLiDeP дунёга келди. Бунда ҳеч бир нотабиийлик йўқ. Шу боис ҳам партия-мизнинг аҳоли ўртасида нуфузи йилдан-йилга ортиб борапти.

О'zLiDeP фақат маслақдошлар уюшмасигина эмас. Унинг ғоялари, амалий ишларига хайрихоҳлар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Яқинда бўлиб ўтган сайлов дастлабки қадамлариданоқ асо-

тий эътиборни амалий ишларга қаратгани билан кўпчиликнинг эътиборига тушган экан. Яна бир сабаби — мамлакатимиз аҳолисининг либерал ғояларга ташналиги. Узоқ йиллар ягона партия чизигидан чиқмай келган жамиятнинг эркин фикри кадрлаши табиий. Собиқ тузум даврида «занжирбанд» этилган ишбилармонлар истиқлол тула файли эмин-эркин тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар. Улар фаолиятини қўллаб-қувватловчи партиянинг ташкил топиши эса давр талаби эди. Минглаб тадбиркор ва ишбилармон одамларнинг бошини қовуштирувчи сиёсий кучга эҳтиёж туфайли О'zLiDeP дунёга келди. Бунда ҳеч бир нотабиийлик йўқ. Шу боис ҳам партия-мизнинг аҳоли ўртасида нуфузи йилдан-йилга ортиб борапти.

О'zLiDeP фақат маслақдошлар уюшмасигина эмас. Унинг ғоялари, амалий ишларига хайрихоҳлар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Яқинда бўлиб ўтган сайлов дастлабки қадамлариданоқ асо-

тий эътиборни амалий ишларга қаратгани билан кўпчиликнинг эътиборига тушган экан. Яна бир сабаби — мамлакатимиз аҳолисининг либерал ғояларга ташналиги. Узоқ йиллар ягона партия чизигидан чиқмай келган жамиятнинг эркин фикри кадрлаши табиий. Собиқ тузум даврида «занжирбанд» этилган ишбилармонлар истиқлол тула файли эмин-эркин тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар. Улар фаолиятини қўллаб-қувватловчи партиянинг ташкил топиши эса давр талаби эди. Минглаб тадбиркор ва ишбилармон одамларнинг бошини қовуштирувчи сиёсий кучга эҳтиёж туфайли О'zLiDeP дунёга келди. Бунда ҳеч бир нотабиийлик йўқ. Шу боис ҳам партия-мизнинг аҳоли ўртасида нуфузи йилдан-йилга ортиб борапти.

О'zLiDeP фақат маслақдошлар уюшмасигина эмас. Унинг ғоялари, амалий ишларига хайрихоҳлар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Яқинда бўлиб ўтган сайлов дастлабки қадамлариданоқ асо-

БПТ имконияти ва депутат ваколати

«Мирзачўл туман босмаҳонаси» МЧЖда рўйхатдан ўтган О'zLiDeP бошланғич ташкилоти 8 нафар либерал ғоялар тарғиботчисини бирлаштирган. Яқинда мазкур БПТга «Дўстлик» МФЙ ҳудудида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар мурожаат этишди. Улар олий ўқув юртрада тахсил олиш истагида бўлган коллеж битирувчилари учун туманда тайёрлов ўқув курслари очиш зарурати мавжудлигини билдириб, бу борада кўмак сўрашди. Қуйи бўғин йиғилишида кўрилган ушбу масала босқичма-босқич тарзда халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳига олиб чиқилди. Депутат Холбуви Қобулова эса ўз ваколатларидан фойдаланиб, кўтарилган масалага тегишли ташкилотлар мутасаддилари диққатини жалб қилишга муваффақ бўлди. Натижада «Намолот» ЕИҲ ҳамда «Баркамол авлод» жамғармаси Мирзачўл тумани бўлимларида ёшларни кириш имтиҳонларига тайёрловчи ўқув курслари очилди.

— Гарчи ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа ишлар тўла ҳал қилинган бўлса-да, ўқитувчиларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ айрим масалалар очиклигича қолмоқда. — дейди БПТ раиси Дамира Раҳматова. — Айни кунларда биз депутатлар билан ҳамкорликда уларнинг ечимини топиш учун изланаёмиз.

«Дастуриламал сифатида қабул қилдик»

О'zLiDeP Қува туман кенгаши бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбиркорлар ва фермерларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга йўналтирилган тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор бераёпти. Хусусан, яқинда «Х.Абдуразақов» ва «Улғубек» номли муқобил машина-трактор паркларидида қуйи бўғинларда Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамаси бўлиб ўтди. Партия туман бўлими мутасаддилари, таянч тузилмалар раислари ва қишлоқ мулкдорлари қатнашган мулоқотда фермерлар олдида турган муаммоларни ҳал қилишда ташаббускорлик кўрсатиш масалалари хусусида сўз юритилди.

— Муҳтарам Юртбошимиз ўз чиқишида сифати паст, нархи баян махсулотга йўл қўймаслик зарурлигини таъкидладилар. — дейди «Улғубек» ММТПдаги БПТ етакчиси Мансуржон Юсупов. — Маърузада билдирилган фикрлар бизнинг зиммамизга ҳам муайян вазифалар юқлайди. Бинобарин, уни дастуриламал сифатида қабул қилган ҳолда ички имкониятларимиздан самаралироқ фойдаланиб, ер эгаларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш, электоратимиз вакиллари мурожаатлари бўйича иш олиб боришда депутатлар, партия юқори органлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан қарорлар қабул қилдик.

ЭЪЛОН

ОБЪЯВЛЕНИЕ

Фондом финансирования подготовки проектной документации по инвестиционным проектам при Ассоциации банков Узбекистана проводится конкурсный отбор проектных идей субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства

Отбор проектных идей и финансирование разработки по ним проектной документации (ТЭО, бизнес-план) осуществляется на конкурсной основе.

Конкурс проводится по следующим направлениям: создание новых производств, модернизация, техническое и технологическое обновление действующих производств в приоритетных отраслях промышленности.

К участию в конкурсном отборе допускаются идеи, обладающие инвестиционной привлекательностью и перспективной возможностью промышленного внедрения,

а также идеи, предусматривающие увеличение объемов и улучшение качества производства продукции с использованием местного сырья и материалов, повышение производительности труда и др.

Участвовать в конкурсе могут юридические лица, представившие свои проектные идеи для подготовки проектной документации.

По наиболее перспективным и привлекательным инвестиционным проектам Фондом оказывается содействие в привлечение банковских кредитов для их финансирования.

Для участия в конкурсном отборе необходимо предоставить следующие документы:

заявка (по форме);
инвестиционное предложение (по форме);
паспорт инвестиционного предложения (по форме).

Документы также принимаются в электронном виде.

Для подробной информации обращаться:
Тел: (+99871) 238-69-07, 238-69-08; Web-site: www.ffpd.uz
E-mail: pdf.fund@gmail.com
Фонд располагается в здании Межбанковского Центра финансовых услуг по адресу:
г.Ташкент 100027, Шайхантахурской район, ул.А.Ходжаева,1.
Услуги лицензированы.



Биз — XXI асрда яшаймиз!

Биз — XXI асрда ишлаймиз!

Сиз — «XXI ASR»га обуна бўлдингизми?

Нашр индекси: 406

Мурожаат учун телефон: (0 371) 215-63-80.

Олтин олма, дуо ол...

Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида улкан ўзгаришлар содир бўлмоқда. Уларнинг туб мазмун-моҳияти инсонпарварликдан иборатдир. 2015 йилнинг Кексаларни эъозлаш йили деб эълон қилиниши ҳам шу маънода ўзига хос теран аҳамият касб этди. Партиямиз қуйи бўғинларининг хайрли ташаббуслари эса мазкур жараённинг янада кенгроқ кўлам касб этиши, аҳолининг барча қатламлари орасига кириб боришига хизмат қилмоқда. Чунончи, «Юқори Чирчиқ тумангаз» корхонасидаги О'zLiDeP бошланғич ташкилоти фаоллари «Нуроний» жамғармаси туман бўлими ходимлари билан биргаликда «Янгиобод», «Навойи», «Истиқлол», «Саксонбой ота» каби маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида яшовчи пиру бадавлат инсонлар уйларига ташриф буюриб, Янги йил билан қутладилар, совғалар топширдилар. — Одамлар кўнглини обод қиладиган ишларни кўпайтиришимиз даркор, — дейди қуйи ташкилот етакчиси Серикбой Усанов. — Зеро, бунинг учун имконият ҳам, хоҳиш ҳам бор. Қолаверса, катта-ю кичик хайрли ишлар партиямиз нуфузи ортишига ижобий таъсир кўрсатади. **Б.ИСРОИЛОВ.**

Меҳр-муруват — инсоний фазилат

Ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларга меҳр-муруват кўрсатиш миллатимизнинг азалий қадриятларидан биридир. Кексаларни эъозлаш йилида жойлардаги партия тузилмалари ҳам ушбу удумга амал қилган ҳолда турли тадбирлар ўтказмоқда. Чунончи, «Тадбиркор аёл» уюшмасининг Гулистон шаҳар бўлимида иш юритаётган БПТ раиси Гулнора Ўлмасова ташаббус билан Янгиер шаҳридаги ноғиронлар уйда учрашув ўтказилиб, 78 нафар аёл учун Янги йил дастурхони тузалди ва байрам совғалари топширилди. — Кексалар, муҳтож инсонларга руҳий мадад бериш, уларни эъозлаш ҳар биримиз учун одатий ҳол, инсоний фазилатдир. — дейди қуйи бўғин етакчиси. — Ана шундай сўй-ҳаракатларимиз билан ёш авлодга ўрнак бўлсак, келажакда улар ҳам эзгу аъналаримизни давом эттириб, муносиб вориства айланади. **Д.СОНОВА.**

ЖАРАЁН



Кичик бизнесни ҳаракатлантирувчи куч

Молия бозорига нуфузи мустаҳкамланаётган чет эл капитали иштирокидаги «Namkorbank» акциядорлик-тижорат банки томонидан йўналтирилаётган миллиардлаб маблағлар ислохотларни чуқурлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаяпти

Шахзод НАЗАРОВ,
«XXI asr»

1991 йилда ташкил этилган ушбу молиявий муассасаси турли йўналишдаги замонавий хизматлари билан миқдорлар ишончи ва эътиборини қозонмоқда. Хусусан, ўз филиаллари орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кредитлар салмоғини ошириб бораётди. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ускуналарини модернизация қилиш орқали рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ички бозорнинг сифатли ва арзон озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга, энг муҳими, янги иш ўринлари яратилишига замин ҳозирламоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган давр молиявий тадбиркорлик иқтисодиёти мизнинг ажралмас қисмига айланди. Шундан келиб чиқиб тижорат банклари мазкур соҳани изчил қўллаб-қувватламоқдалар. Буни «Namkorbank» АТБ мисолида кўрайдиган бўлсак, мазкур молия муассаси Президентимизнинг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2014 йили 13 054 та

кичик бизнес субъектига жами 771,9 млрд. сўм миқдорига кредитлар ажратди. Натиждада 4350 та янги иш ўрни яратилди.

Хусусан, тадбиркорлик билан шуғулланаётган опа-сингиллари мизни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2891 нафар хотин-қизга 128,7 млрд. сўм, 452 нафар коллеж битирувчиларига 9,2 млрд. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган тадбиркорлик субъектларига 86,7 млрд. сўм, маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ушбу тармоққа ихтисослашган субъектларга 170,5 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига ихтисослашган субъектларга 109,4 млрд. сўм миқдорига кредит маблағлари йўналтирилди.

Шунингдек, банк томонидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, жойларда янада қулай бизнес муҳити яратиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун узоқ муддатли кредитлар ҳажминини ошириш, хусусан, кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик кенгайтирилмоқда. Жумладан, «Namkorbank» АТБ «Осиё тараққиёт банки», «Халқаро молия корпорацияси», Бельгиянинг «INCOFIN», Голландия тараққиёт



банки, Халқаро қишлоқ ҳўжалиги тараққиёти хорижий кредит линиялари каби ташкилотлар маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига узоқ муддатли кредитлар ажратиш яхши йўлга қўйилган.

Эътиборлиси, банк жамоаси 2015 йилда ажратиладиган кредитлар салмоғини 1,3 баробарга ошириш мақсадида муваффақият қилиб айтганда, мам-

лакат молия бозорига ўз ўрнига эга рақибети хорижий кредит линиялари каби ташкилотлар маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига узоқ муддатли кредитлар ажратиш яхши йўлга қўйилган. Эътиборлиси, банк жамоаси 2015 йилда ажратиладиган кредитлар салмоғини 1,3 баробарга ошириш мақсадида муваффақият қилиб айтганда, мам-

РЕКЛАМА
ЎРНИДА

Рақамлар қаердан келиб чиқади?

Соғлом бола йилда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган ишларга бир назар

Фарзанднинг жисмонан бақувват, билимли ва албатта бахтли бўлиб камолга етиши бевосита онанинг саъй-ҳаракатлари, интилишлари билан боғлиқ. Шу боис ҳам мамлакатимизда аёлларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Хусусан, 2014 йилда хотин-қизлар тадбиркорлиги ва оилавий бизнесни ривожлантириш мақсадида тижорат банкларидан 745,2 млрд. сўм миқдорига кредит ажратилгани ола-сингилларимизнинг соғлом ва ҳар жиҳатдан баркамол авлод-ни волега етказиш, оила фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишига замин яратди. Биргина «2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси» танлови гўлиби бўлган 15 нафар аёлнинг ижтимоий аҳамиятга молик бизнес-режаларини молиялаштириш учун 2,2 млрд. сўмлик кредит йўналтирилгани фикримиз далилидир.

— Сунъий қопламали спорт майдончаси қуришни кўнгилма тугиб юрган эдим, — дейди Шўрчи туманидаги Бобур маҳалласида яшовчи тадбиркор Сайёра Абрайқуллова. — Хотин-қизлар кўмитасининг кўмаги билан «Қишлоқ қурилиш банки»нинг туман филиали томонидан ажратилган 60 млн. сўмлик кредит завзига режамни амалга оширдим. Яратилган 6 та иш ўринининг 4 тасига коллеж битирувчилари қабул қилинди. Айни пайтда бу ерда юзлаб болалар спорт билан шуғулланиб, бўш вақтларини маъмул ўтказмоқдалар.

Сайёра опа сингари аёлларнинг қувончини тасаввур этиш қийин эмас. Оиласига даромад олиб кираётган, жамият тараққиётига имкон даражасида ҳисса қўшаётган аёл ўз ишига боласини парвариллаётгандек ички бир муҳаббат, меҳр билан ёндашади ва бу ёндашув эрта-индин ўз самарасини кўрсатади. Дастлабки натижаларидан руҳланган опа кўп ўтмай йирик ишбилармонлардан бирига айланиши ҳеч гап эмас.

Кўмита саъй-ҳаракатлари билан чека ҳудудларда «Бўлажак тадбиркор аёллар мактаби» ўқув-семинарлари ўтказилиб, «Кичик ва оилавий бизнес: муваффақиятли иш юритиш асослари» китоби, «Ўз бизнесингни бошла!» қўлланмиси тарқатилди. «Аёлларни тадбиркорликка ўқитиш ва уларда корхонани самарали юритиш кўникмаларини ривожлантириш» мавзусидаги семинарларда Тошкент, Наманган, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё ва Навоий вилоятларидан 1000 нафар қизга тадбиркорлик асослари ўргатилди. Шунингдек, «Қорақалпоғистон аёллари учун иқтисодий имкониятларни кенгайтириш» лойиҳаси доирасида Мўйноқ туманида яша-

ётган кам таъминланган 100 та оила хотин-қизларининг бизнес борасидаги билимлари оширилди.

Қишлоқ жойларда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, аёлларнинг рўзгор юмушларини енгиллаштириш мақсадида олиб борилаётган ишлар ҳам ўз самарасини бераётган. Масалан, 2014 йилда мамлакатимизнинг чека ҳудудларида 214 та гузаллик салони очилиб, уларда 1028 та янги иш ўрни яратилди. Ана шу мисолнинг ўзбек тадбиркор аёл нафақат иқтисодиёт юқалиши, балки қишлоқда турмуш даражасининг орттишига ҳам муносиб ҳисса қўшаётганидан далолатлидир.

— Юртимизда аёллар фаоллигини ошириш, турмушини янада фаровонлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Маъруфова. — Ўзининг тасаввур қилинг: ҳар бир тадбиркор аёл ўртача 4-5 нафар дугонасини иш билан таъминлаганида ҳам жуда катта рақам келиб чиқади. Албатта, бунга эришиш осон эмас. Шу боисдан 2014 йилда республикамиздаги 495 229 нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчининг 49 фоизини ташкил этаётган қизларни иш билан таъминлаш мақсадида 1700 та штаб тузилиб, кенг миқёсда амалий иш олиб борилди. Натижда янги ишлаб чиқариш объектларини фойдаланишга топшириш, мавжуд корхоналарнинг қувватларини янгиллаш, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш, уй меҳнатини ташкил қилиш, фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш ҳисобига 201 миң 33 нафар битирувчи қиз иш билан таъминланди. Бу кўрсаткич 2013 йил билан солиштирилганда 84 фоизга қўпдир. Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига жами 168,7 млрд. сўм миқдорига кредит маблағлари ажратилди. Унинг салкам 60 млрд. сўми бевосита бизнес юритишга иштиёқ-манд қизларга берилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан амалга оширилаётган бундай амалий саъй-ҳаракатларда O'zLiDeP ҳудудий бўлиналари фаол иштирок этмоқда. Мустанқил ҳаётга тадбиркор сифатига кириб боришни ихтиёр этган қизларнинг катта қисми либерал гояларни қўллаб-қувватлаб, келажagini O'zLiDeP билан боғлаётгани эса ўзаро самарали ҳамкорликнинг яна бир натижасидир.

Рисолат МАДИЕВА.

ЭЪЛОН

Қорақалпоғистон Республикаси
«ТУРАН КИМ-ЗЫЯТ САУДАСЫ» МЧЖ ва мазкур МЧЖнинг Эллиқалъа тумани филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Қорақалпоғистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг 2014 йил 15 апрелдаги 32-П-сонли, 2013 йил 12 августдаги 120-П-сонли, 2012 йил 15 мартдаги 14/6П-сонли, 2011 йил 14 ноябрдаги №83/6П-сонли ва 2010 йил 3 майдаги 81/6П-сонли буйруқлари ва Эллиқалъа тумани ҳокимининг 2014 йил 5 апрелдаги 192/4-сонли, 2013 йил 31 июлдаги 442/7-сонли, 2012 йил 27 апрелдаги 100/2-сонли, 2011 йил 29 сентябрдаги 533/9-сонли ва 2010 йил 19 апрелдаги 393/4-сонли қарорларига асосан яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Эллиқалъа туманидаги қуйидаги ер участкалари аукцион савдоларига қўйилмоқда:

- Эллиқалъа тумани, Бўстон шаҳри, Х.Олминов кўчаси, 82-кварталдан №7 ер участкаси.
- 1-кинчи туман кўчасидан 14а, 16а ер участкалари. Ушбу ер участкаларининг майдони 400 кв.м бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 56 640 сўм.
- Эллиқалъа тумани, «Эллиқалъа» овули, «Чайка» аҳоли пункти, 76-контурдан 23.25.28.29.30 ер участкалари.
- «Тоza бог» овули, «Ғизиларимой» аҳоли пункти, 537.538-контурларидан 32 ер участкаси.
- «Амирбод» овули, «Қоинот» аҳоли пункти, 201-контурдан 23 ер участкаси.
- «Амирбод» овули, «Баракат» аҳоли пункти, 571.404-контурларидан 6 ер участкаси.
- «Сарибий» овули, «Сарибий» аҳоли пункти, 515-контурдан 19 ер участкаси.
- «Сарибий» овули, «Сарибий» аҳоли пункти, 444-контурдан 2,3.4 ер участкалари.
- «Сарибий» овули, «Уйсаланг2» аҳоли пункти, 106-контурдан 16 ер участкаси. Ушбу ер участкаларининг майдони 400 кв.м бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 22 080 сўм.
- «Тоza бог» овули, «Жеткенешек» аҳоли пункти, 1108-контурдан 1-сонли ер участкаси.
- «Тоza бог» овули, «Жеткенешек» аҳоли пункти, 754-контурдан 6-сонли ер участкаси.
- «Фирғина» овули, «Беруний» аҳоли пункти, 1752-контурдан 13.14.15-сонли ер участкалари.
- «Қишлоқ» овули, «Араб» аҳоли пункти, 744.737-контурдан 2-сонли ер участкалари. Ушбу ер участкаларининг сатхи 400 кв.м бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 119 040 сўм.
- «Навой» овули, «Навой» аҳоли пункти, 1677-контурдан 9.19.27.28-сонли ер участкалари.
- «Амирбод» овули, «Қоинот» аҳоли пункти, 280.282-контурдан 7.10.21-сонли ер участкалари.
- «Эллиқалъа» овули, «Чайка» аҳоли пункти, 114-контурдан 16-сонли ер участкаси.
- «Эллиқалъа» овули, «Чайка» аҳоли пункти, 90.124-контурдан 1-сонли ер участкаси.
- «Шар» овули, «Шар» аҳоли пункти, 33.34.37-контурдан 14.15.16-сонли ер участкалари.
- «Тоza бог» овули, «Ғизиларимой» аҳоли пункти, 498-контурдан 5-сонли ер участкаси.
- «Тоza бог» овули, «Ғизиларимой» аҳоли пункти, 814-контурдан 7-сонли ер участкаси.
- «Тоza бог» овули, «Ғизиларимой» аҳоли пункти, 818-контурдан 8-сонли ер участкаси.
- «Эллиқалъа» овули, «Чайка» аҳоли пункти, 110.111-контурдан 12.13.14-сонли ер участкалари.
- «Фирғина» овули, «Фирғина» аҳоли пункти, 1738-контурдан 8.9.10-сонли ер участкалари.
- «Бўдан-мерей» овули, 290-контурдан 37.38.39.40.41.42.43.44.45.46.47.48.49.50.51.52.53-сонли ер участкалари. Ушбу ер участкаларининг майдони 600 кв.м бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 14 880 сўм.
- «Навой» овули, «Ўзбекистон» аҳоли пункти, 587-контурдан 1, 2-сонли ер участкалари.

Ушбу ер участкаларининг майдони 600 кв.м бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 33 120 сўм.
Аукцион савдоси 2015 йил 17 февраль кунини соат 11.00 да Эллиқалъа тумани ҳокимлигининг мажлислар залда ўтказилади. Бюртномаларни қабул қилиш 2015 йил 16 февраль кунини соат 18.00 да тўхтатилади.
Мазкур ер участкалари 2015 йил 17 февраль кунини ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ер участкаларининг тақририй аукцион савдолари 2015 йилнинг 19 март, 18 апрел, 18 май, 9 июнь, 17 июль, 17 август, 16 сентябрь, 16 октябрь, 16 ноябрь ва 16 декабрь кунлари соат 11.00 да Эллиқалъа тумани ҳокимлигининг мажлислар залда ўтказилишининг олдидан маълум қилинади.
Тақририй савдолар бўйича бюртномаларни қабул қилиш 2015 йил 18 март, 17 апрель, 16 май, 16 июнь, 15 июль, 15 сентябрь, 15 октябрь, 14 ноябрь ва 15 декабрь кунлари соат 18.00 да тўхтатилади.
Аукцион савдосида катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси ҳисоб рақамига ихтиёр равишда маркетинг ва масҳалат-консалтинг хизматлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг бўлган миқдорига қўшимча тўловлар тўланади ва тузилмадан заналат келишувига асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқининг баҳосининг 100 фоиз миқдорига заналат пулини «Турани Ким-Зыят Саудасы» МЧЖ Эллиқалъа тумани филиали «Турани банк» Нукус шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 9047 9270 1001, МФО 00585, СТИР 301273292.
Савдо қолғибта савдо кунидан бошлаб 20 (ишгирма) кун мuddат ичнда олди-сотида шартномасини имзолаш шартлари юклатилади.
Аукцион савдосида катнашиш учун савдо ташкилотчиси ва талабгор ўртасида заналат тўғрисидаги келишув имзоланади, шундан сўнг талабгор савдо ташкилотчисига аукцион савдосини ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган мuddатларда қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукцион савдосида катнашишга бюртномани тақдим этади:
— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нусхаси;
— хорижий юридик шахслар — уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг нусхаси, таъсисчилар рўйхати ва уставини белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;
— хорижий фуқаролар — чет давлатнинг миллий ёки дипломатик паспорт;
— Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолидаги ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномасининг нусхаси;
— заналат пулини тўлаганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхасини тақдим этади.
Бюртномалар қабул қилинадиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Эллиқалъа тумани, Бўстон шаҳри, И.Аллаберганов кўчаси, 5-уй.
Телефон: (8-361) 222-00-84, 714-35-25. Расмий сайтими: Turankz.kg.uz. Лицензия: 0041.

Қорақалпоғистон Республикаси
«ТУРАН КИМ-ЗЫЯТ САУДАСЫ» МЧЖ
баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг 2014 йил 30 декабрдаги 171-П-сонли буйруғи ва Шуманай тумани ҳокимининг 2014 йил 12 декабрдаги 574/12-сонли қарорига асосан яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманидаги 125 (бир юз ишгирма беш) та ер участкаси аукцион савдоларига қўйилмоқда.

- «Наурыз» МФЙ ҳудуди, 83-кварталдан 1.2.3.4.5.6.7.8.9.10.11.12.13.14.15.16.17.18.19.20.21.22.23.24-ер участкалари.
- «Наурыз» МФЙ ҳудуди, Г.Евсегорев кўчасидан 1-ер участкаси.
- «Наурыз» МФЙ ҳудуди, Абдуллаев ва Саймаларов кўчаларидан 1.2.3.4.5.6.7.8.9.10.11-ер участкалари.
- «Таза-базар» МФЙ ҳудуди, Амир Темур кўчаси бўйида 1а ер участкаси.
- «Таза-базар» МФЙ ҳудуди, Ш.Амангелдиев кўчаси бўйида 1-ер участкаси.
- «Таза-базар» МФЙ ҳудуди, М.Абдуллаев кўчаси бўйида 32-ер участкаси.
- «Таза-базар» МФЙ ҳудуди, 17-кварталдан 1.6.7-ер участкалари.
- «Маданият» МФЙ ҳудуди, Нукус кўчаси бўйида 1-ер участкаси.
- «Моншакль» МФЙ ҳудуди, 90-кварталдан 58.59.60.61.62.63.64.65.66.67.68.69.70.71.72.73.74.75.76.77.78.79.80.81.82.83.84.85.86.87.88.89.90.91.92.93.94.95.96.97.98.99.100.101.102.103.104.105.106.107.108.109.110.111.112.113.114.115.116.117.118.119.120.121.122.123.124.125.126.127.128.129.130.131-ер участкалари.
- «Моншакль» МФЙ ҳудуди, 84-кварталдан 14.15.16.17-ер участкалари.
- «Моншакль» МФЙ ҳудуди, 88А-кварталдан 27.28.29.30-ер участкалари.

Ушбу ер участкаларининг майдони 400 кв.м бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 33 636 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 10 февраль кунини соат 11.00 да Шуманай тумани ҳокимлигининг мажлислар залда ўтказилади. Бюртномаларни қабул қилиш 2014 йил 9 февраль кунини соат 18.00 да тўхтатилади.
Мазкур ер участкалари 2014 йил 10 февраль кунини ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ер участкаларининг тақририй аукцион савдолари 2015 йилнинг 12 март, 11 апрель, 11 май, 9 июнь, 10 июль, ва 10 август кунлари соат 11.00 да Шуманай тумани ҳокимлигининг мажлислар залда ўтказилишининг олдидан маълум қилинади.
Тақририй савдолар бўйича бюртномаларни қабул қилиш 2015 йил 11 март, 10 апрель, 9 июль, 8 июль, ва 8 август кунлари соат 18.00 да тўхтатилади.
Аукцион савдосида катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси ҳисоб рақамига ихтиёр равишда маркетинг ва масҳалат-консалтинг хизматлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг бўлган миқдорига қўшимча тўловлар тўланади ва тузилмадан заналат келишувига асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқининг баҳосининг 100 фоиз миқдорига заналат пулини «Турани Ким-Зыят Саудасы» МЧЖ «Турани банк» Нукус шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 9047 9270 1001, МФО 00585, СТИР 301273292.
Савдо қолғибта савдо кунидан бошлаб 20 (ишгирма) кун мuddат ичнда олди-сотида шартномасини имзолаш шартлари юклатилади.
Аукцион савдосида катнашиш учун савдо ташкилотчиси ва талабгор ўртасида заналат тўғрисидаги келишув имзоланади, шундан сўнг талабгор савдо ташкилотчисига аукцион савдосини ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган мuddатларда қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукцион савдосида катнашишга бюртномани тақдим этади:
— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нусхаси;
— хорижий юридик шахслар — уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг нусхаси, таъсисчилар рўйхати ва уставини белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;
— хорижий фуқаролар — чет давлатнинг миллий ёки дипломатик паспорт;
— Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолидаги ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномасининг нусхаси;
— заналат пулини тўлаганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхасини тақдим этади.
Бюртномалар қабул қилинадиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Шуманай тумани, Ақиния кўчаси, 26-уй.
Телефон: (8-361) 222-00-84 Расмий сайтими: Turankz.kg.uz. Лицензия: 0041.

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»
АК ФИЛИАЛИ —
«ТОШКЕНТ-ТЕЛЕКОМ» ЖАМОАСИ

мамлакатимиз
мудофаа қудратини
оширишга ўз ҳиссасини
қўшаётган ватандошларимиз,
зобит ва аскарларимизни
қурулли кучларимиз
ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ
23 ЙИЛЛИГИ
билан самимий табриклайди.
Ушбу қутлуғ кун
муносабати билан
сизларга соғлиқ-саломатлик,
хуш кайфият ва
муваффақият тилаймиз.

Тадбирли иш тарқамас

Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш барча мамлакатлар учун ҳамisha энг долзарб вазифа ҳисобланган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади. Бу нафақат жамият тараққиёти, балки инсоният мавжудлигининг ҳам биринчи шартидир. Хитой каби аҳолиси кўп давлатлар учун эса бу жиҳат ҳаёт-мамонт масаласига айланган

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Маълумотларга қараганда, сўнгги йилларда мазкур мамлакат аҳолиси 1,36 миллиарддан ортди. Биргина ўтган йилнинг ўзида Чин юртида 16,4 миллиондан зиёд янги қақалоқ туғилди. Бу кунига 45 минг 480 нафар бола дунёга келди, деганидир.

Хўш, жаҳондаги ҳайдаладиغان ерларнинг бор-йўғи 7 фоизга эга, Ер шарни аҳолисининг тўртдан бир қисми яшовчи бу мамлакатда одамлар қорнини тўқ, устини бут қилишга қандай эришляпти?

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида халқаро ҳамжамият олдида «Хитойни ким боқади?» деган савол бежиз пайдо бўлмаганди. Ўшанда мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассислари бу саволга асосли жавоб қайтаришгани кўпчилиكنинг ёдида бўлса керак. Ушбу йўналишдаги ислохотлар эса асосан 1978 йилдан бошланган. Бугунги кунга келиб Хитой ғалла, пахта, ёғ-мой, сабзавот-мева, гўшт ва тухум етиштиришда энг илгор мамлакатлардан бирига айланган. Тадбирли иш тарқамас деганларидек, аграр секторда олиб борилаётган туб ислохотлар тўғрисида озиқ-овқат хавфсизлиги борасида ушбу мамлакат ортиқча босимни ҳис этмаяпти. Қишлоқ хўжалигида барқарор вазият ҳукмрон. Асосий эътибор экинлар ҳосилдорлигини ошириш, суғориладиган ерларнинг ирригация-мелиорация ҳолатини яхшилашга қаратилаётди. Ерга нисбатан бундай муносабатнинг шакллантирилиши натижасида 2013 йил мамлакатда бошоқли экинлар етиштириш сезиларли даражада кўпайди. Яъни, 2012 йилга нисбатан 2,1 фоизга ўсиб, жами ҳосил миқдори 600 млн. тоннадан ортди. Асосий истеъмол маҳсулотларидан яна бири бўлган гўшт ишлаб чиқариш 1,8, пахта етиштириш 7,7 фоизга ошди. Лекин юқорида таъкидланганидек, эҳтиёж ҳам шунга яраша. Хитойда истеъмол товарлари чакана савдоси ўтган йили 13,1 фоиз, инфляцияни ҳисобга олганда 11,5 фоизга кўпайди. Албатта, ўтган асрнинг 70-йилларидаги келиб дунёдаги энг камбағал давлатлардан бирига айланган Хитой учун бундай натижага эришиш осон бўлмади. Оммавий очарчилик хавф солиб турган мамлакатда дастлабки ислохотлар 900 миллион кишидан ортиқ аҳоли яшайдиган қишлоқлардан бошланиб, ерлар деҳқонларга узоқ муддатли шарт-

нома асосида ижарага берилди. Натижада кўп ўтмай ҳосилдорлик 10 фоизга ошди. Шундан кейин деҳқон хўжаликларининг масъулигига асосланган ер ислохоти сиёсати асосида эркин нархлар жорий қилиниб, бугунги ютуқларга пухта замин ҳозирланди.

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши бош вазири Ли Кэцян БМТнинг озиқ-овқат масалалари бўйича ташкилоти — FAO йиғилишида мамлакатнинг аграр секторда эришилган му-

нинг 11 та тармоғини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилляпти.

Узоқ йилга мўлжалланган бундай ислохотларни ҳаракатга келтирувчи бошқа механизмлар ҳам мавжуд. Кичик ва ўрта бизнесни тараққий эттириш махсус давлат жамғармаси ана шу механизмлардан биридир. Тўлагича давлат бюджетидан молиялаштириладиган мазкур фонд кичик корхоналарнинг ривожланишида катализатор вазифасини

Кейинги йилларда қишлоқ ҳудудларида янгича иш услубидаги корхоналар ҳам юзага кела бошлади. Уларда мавсумий қишлоқ хўжалиги юмушларидан бўшаган кишилар иш билан таъминланиб, талаб ва таклиф асосида фаолият юритиши йўлга қўйилган.

ваффақиятлари хусусида фикр юритганида «Биз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг энг содда, яъни оилавий фермер хўжаликларини шакллантириш ва улар сонини босқичма-босқич кўпайтириш йўлини танладик. Соҳани модернизация қилишда инновацион лойиҳаларга эътибор қаратаёلمиз» дегани бежиз эмас. Чунки бир қарашда унчалик кўзга ташланмайдиган бир миллиондан ортиқ оилавий фермер хўжалиги жуда кенг кўламли ишларни амалга ошираётгани айна ҳақиқатдир.

Шу ўринда кичик корхоналарнинг улкан имкониятлари хусусида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадага мувофиқдир. Боиси — айнан ўтган асрнинг 90-йилларида давлат корхоналарини хусусийлаштиришга киришилгани тўғрисида юзага келиши мумкин бўлган ишсизликка йўл қўйилмади. Айнан кичик бизнес асосида ташкил этилган оилавий фермерлик ҳамда тадбиркорлик янги иш ўринлари яратилиши алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада қатор имтиёзлар берилди. Хусусан, 2002 йилда иқтисодийнинг нодавлат секторига ривожланиб бораётган корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида «Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини тараққий эттириш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бундан ташқари, мамлакатда 2020-2050 йилларга мўлжалланган иқтисодийтни модернизация қилиш дастури ишлаб чиқилган. Иқтисодийтни ривожлантиришга бағишланган Хитой Миллий дастурига кўра, 2006 йилдан то 2020 йилга қадар иқтисодий-

бажармоқда. Кичик бизнеснинг йирик компаниялар билан ўзаро рақобатда химоя қилиш ва зиммасидаги мажбуриятларни бажаришлари учун жуда кўл келмоқда.

Экспертлар Хитойдаги иқтисодий тараққиётга баҳо беришар экан, бунга мамлакат аҳолисининг миллий менталитети асосий омил бўлаётгани ҳам таъкидлашмоқда. Ҳақиқатан ҳам шундай. Хитойликлар меҳнатни иқтисодий фаровонлик омилли билан бир қаторда миллий қадрият деб билишади ва тадбиркорлиги, ишбилармонлиги, меҳнатсеварлиги, қолаверса, ҳукуматнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши билан бугунги куннинг глобал муаммосига айланган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаб келмоқдалар.

Кейинги йилларда қишлоқ ҳудудларида янгича иш услубидаги корхоналар ҳам юзага кела бошлади. Уларда мавсумий қишлоқ хўжалиги юмушларидан бўшаган кишилар иш билан таъминланиб, талаб ва таклиф асосида фаолият юритиши йўлга қўйилган. Масалан, Шанси худудидаги шаҳарга яқин ерда жойлашган иссиқхоналарда ўн йиллар аввал гул етиштирувчи корхоналар бармоқ билан санарли эди. Айни пайтда эса юзга яқин фермер фақат гул етиштириш ва уни сотиш билан шуғулланаяпти. Эҳтиёждан ортан маҳсулотлар экспортга йўналтирилмоқда. Эътиборли жиҳати — иссиқхона ерлари 50 йилгача бўлган шартнома асосида ижарага берилган. Бундай имтиёзлардан фойдаланган фермерлар самарадорлигини йил сайин ошириб бормоқдалар.



Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалиги ерларининг узоқ муддатли мулк шаклида ижарага берилиши ва соҳага инновацион технологияларнинг жорий этилиши фермер хўжаликларини ривожлантиришда асос вазифасини ўтади. Ерга ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотга ҳақиқий эгалик ҳиссини мустаҳкамлади.

Мамлакат бош вазири таъкидлаганидек, ҳукумат қишлоқ хўжалигининг амалий муаммоларини ҳал этишда инновацион лойиҳалардан кенг фойдаланишга катта эътибор қаратмоқда. Натижа ҳам янги, Пекин шаҳри яқинида соҳани яқин истиқболдаги ҳолатини акс эттирувчи алоҳида ҳудуд барпо этилган бўлиб, бу ерда 50 дан ортиқ хусусий фирма деҳқончилик ва чорвачиликнинг турли соҳалари бўйича фаолият олиб бормоқда. Улар томонидан илмий техниканинг сўнгги ютуқлари қўлланилаётгани боис самарадорлик жуда юқори. Масалан, денгиз сувидан парваришланаётган бир туп помидор 60 килограммгача ҳосил бермоқда. Архидея етиштирадиган «Сани» компанияси йилгига 150 миллион туп гулни ички бозорда сотиб, ортганини экспорт қилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигининг истиқболлини белгилаб берадиган бундай ҳудудлар тажрибаси эндиликда ўзини тўлиқ оқлай бошлаганидир. Табиийки, бу жараён қишлоқ хўжалик хом ашё-

сини қайта ишлаш тармоғини янада ривожлантириш ва аграр сектор экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда асосий таянч бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тажрибаси эътиборга сазовордир. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришга янги ва замонавий технологияларни жорий этиш, экин навлари ва чорва моллари зотини, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли ва пухта ўйланган ислохотлар амалга оширилаётгани тўғрисида фермерлик ҳаракати аграр соҳанинг етакчи тармоғи сифатида аҳолининг турмуш даражаси сезиларли даражада ўсишини таъминлади. Фермерлар эса жамиятнинг энг фаол қатламига айландилар.

Тармоқни янада ривожлантириш давлатимизнинг доимий диққат-эътиборидадир. Масалан, фермер хўжаликларни замонавий техника воситаларини имтиёзли шартлар бўйича лизинг асосида харид қилиши учун техника бошланғич нархининг 15 фоизини тўлаб, қолган 85 фоизини 10 йил муддат ичида тўлаш имониятига эга. Лизингдан фойдалангани учун йиллик фоиз бўлувлари Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ошмайдиган қилиб бел-


гиланган. Бундан ташқари, фермер хўжаликларини фаолиятини барқарор ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи

фермерларни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам амалиётда кенг қўлланмоқда. Бундай имтиёз ва шарт-шароитларнинг бутун бошли тизими яратилган бўлиб, у соҳанинг янада тараққий этишига хизмат қилаяпти.

VOQEALAR, SHARHLAR, DALILLAR

Голиб иккинчи турда аниқланади

Якшанба кунини Хорватияда президентликка сайлов бўлиб ўтди. Маълум бўлишича, 4 нафар номзоддан бирортаси ҳам сайловчиларнинг 50 фоиздан кўпроқ овозини йиға олмади. Хусусан, овоз бериш якунига кўра амалдаги президент, Социал-демократик партиядан номзоди илгари сурилган Иво Йосипович 38,5, унинг асосий рақиби — Хорватия демократик ҳамдўстлиги партияси вакили Колинда Грабар-Китарович эса 37,1 фоиз овозга эга бўлган. Шу тариқа мамлакат президенти жорий йилнинг 11 январидан бўлиб ўтадиган сайловнинг иккинчи турида аниқланиши кутилмоқда. Бунда номзодлардан бири рақибига нисбатан кўпроқ овоз йиғиши унинг галабаси учун кифоядир.



Олти асрлик тарих ёниб кетди



Хитойнинг жануби-шарқида жойлашган Юньнань провинциясида бундан 600 йил муқаддам Мин империяси (1368-1677) томонидан қурилган тарихий минора ёниб кетди. ОАВларнинг хабар беришича, дарахдан ясалган миноранинг тепа қисми тамоман йўқ бўлган. Ёнган натижасида ҳеч ким жабр кўрмаган. Айни пайтда воқеа сабаби атрофлича ўрганилмоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур миноранинг баландлиги 47 метр бўлиб, ёнғиндан сўнг ундан фақатгина ғишдан ясалган саккиз метрлик асос қолган, холос.

Кема-автобус

Амстердамда сайёҳларни шаҳар бўйлаб ўтган канал орқали саёҳат қилдирувчи автобус қатнови йўлга қўйилди. Кўриниши йўловчи ташийдиган автобусдан фарқ қилмайдиган транспорт воситаси ҳам нуруқликда, ҳам сувда бемалол ҳаракат қила олади. Шу боисдан уни кўриниши иштиёқидидаги маҳаллий аҳоли ҳамда туристларнинг кети узишляпти.



Энди кўзойнакка ҳожат йўқ

Хабарларга қараганда, Япониянинг Toshiba компанияси махсус кўзойнак талаб қилмайдиган 3D-экран ишлаб чиқди. Ушбу иxtиронинг тақдироти шу ойда бўлиб ўтиши кутилмоқда. Янги суоқ кристалли панель синиш кўрсаткичлари ўзгариб турадиган линзалар (GRIN)га асосланган бўлиб, тасвир сифати ва ёрқинлигини бузмасдан 2D ва 3D режимида ишлайди. Бу эса махсус кўзойнакларнинг ҳам 3D форматда телевизор кўриш имкониятини яратади.

0'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими етакчи консультанти Гўзал Ибрагимовага онаси **Аймжон ая ИСМОИЛОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Дунё синовидан ўтган тажриба ёҳуд томчилибти суғорининг афзалликлари хусусида

Дилноза НОМОЗОВА,
«XXI asr»

Сув — ҳаёт манбаи. Бинобарин, юртимиздаги мавжуд сув захираларини асраб-авайлаш, улардан тежаб-тергаб фойдаланиш долзарб вазифалардан бири саналади. Ер майдонларининг бугунги мелиоратив ҳолати суғорининг технологиясини такомиллаштириши тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, сўнгги йилларда республикаси миқёсида кенг оммалашаётган томчилик суғорини амалиётини эътиборни тортади.

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти қосидаги консалтинг маркази томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари томчилик суғорини усули қўлланилганда сув сарфи боғ ва тоқзорларда 37-60 фоиз, ғўза майдонларида 50-55 фоиз, сабзавотчилик соҳасида 25-30 фоизгача тежаланишдан далолат беради. Ушбу тизим жорий қилинган майдонларда минерал ўғитларнинг йиллик умумий миқдори 30 фоизга, сарф-ҳаражатлар ҳажми

бир неча мартага камайиб, ҳосилдорлик экин турига қараб 1,5-4 баробар ошиши кузатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013–2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиши янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори томчилик суғорини тизимини кенг жорий қилиш ҳамда уни молиялаштириши самарали йўлга қўйишда муҳим аҳамияти касб этмоқда.

Мазкур қарорга асосан 2018 йилгача мамлакатимиз бўйича 59 минг гектар майдонда томчилик ҳамда кўча эгилувчан қувурлар ёрдамида суғоришни йўлга қўйиш, 45,6 минг гектар ерда бу ишни плёнка орқали амалга ошириш вазифаси белгиланган. Зеро даврнинг ўзи барча соҳада иқтисодий тежамкорлиқни тақозо этмоқда. Умуман олганда, 2014-2017 йилларда фермер хўжаликлари ва ердан фойдаланувчилар иштиёқидида 21,5 минг гектар майдонда томчилик суғорини жорий этиш, бунинг учун

Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармаси ҳамда тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутиляпти.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар тўғрисида сўнгги йилларда республикамиз миқёсида 11 минг гектарга яқин майдонда томчилик суғорини амалиётини йўлга қўйилди. Жорий йилнинг ўзида мазкур технология асосида 5 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши ҳам эътиборга моликдир.

Ҳозирги кунда томчилик суғорини мўлжалланган жиҳоз ва анжомларнинг 95 фоизи республикамизнинг ўзида ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, сув насослари, турли ўлчамдаги филтър ва пластик қувурлар, шланглар, ёрдамчи ва бутловчи қисмлар «Сувмаш», «Шуртангазим», «Махсусполимер», «Жиззахпласмасса» каби корхоналарида тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб бериляпти.

— Томчилик суғорини қа-

димданок ота-боболаримиз томонидан деҳқончиликда кенг қўлланилган, — дейди Наманган вилоятидаги «Агропласт монтаж сервис» корхонаси раҳбари Абдулвоҳид Болтабоев. — Дунё синовидан ўтган ушбу тажриба ўзининг иқтисодий афзалликлари билан ажралиб туради. 2009 йил Хитойда бўлганимда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Излаган одам имкон топар экан. Глобал экологик фондининг Кичик грантлар дастури ёрдамида мушкуллимиз осон бўлди. 2012 йили томчилик суғорини қурилмалари ишлаб чиқаришга иxtисослашган цех ташкил этдик. Амалдаги йилда 39 та фермер хўжалиги билан янги, замонавий технологияни жорий этиш бўйича шартнома имзолаганимиз. Айни пайтда сув насосларидан бошқа барча ускуналар ўзимизнинг кичик цехда тайёрланмоқда. Бу борада 26 нафар малакали ходимларимизнинг ҳиссаси катта бўляпти. 2015 йилда корхоналаримиздан 30 нафарини иш билан таъминлаш, шунингдек, Наманган вилоятида 640

гектар, Самарқандда 900 гектар, Навоийда 300 гектар, Фарғона вилоятида 180 гектар майдонда томчилик суғорини технологиясини йўлга қўйишни режалаштиряпти. Хитойлик ҳамкорлар билан кичик гидроэлектрстанция ускунасини етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган. Хуллас, режаларимиз катта. Яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, эл-юрт огирини энгил қилаётганимиздан, агроноат тизимидаги ислохотларни чуқурлаштиришга озми-кўпми, ҳисса қўшаётганимиздан мамнунимиз.

СЎНГГИ САҲИФА

Мақсад — қитъада биринчи бўлиш!

Эртага Австралияда Осиё Футбол конфедерациясининг (ОФК) энг йирик мусобақаси — қитъа кубоги баҳсларига старт берилади

Суҳрат ХҲЖАЕВ,
«XXI asr»

16 та терма жамоа иштирокида ўтказиладиган мазкур турнирда Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам етакчилар қаторида бош соврин учун кураш олиб боради.

Ўзбекистон Футбол федерацияси томонидан тарқатилган маълумотларга кўра, бош мураббий Миржалол Қосимов ушбу мусобақа арасида терма жамоага 23 нафар футболчини жалб қилган бўлиб, улар орасида етти нафар легионер бор. Хусусан, Австралия яшил майдонларида Анзур Исмоилов («Чанчун Ятай», Хитой), Виталий Денисов («Локомотив», Россия), Одил Аҳмедов («Краснодар», Россия), Санжар Турсунов («Ворскла», Украина), Азиз Хайдаров («Ал Шабаб», БАА), Сервер Жепаров («Сеонгнам», Ж.Корея) ва Баҳодир Насимов («Падидах», Эрон) каби хорижда тўп сурайдиган вакиллариимиз юртимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

Бундан ташқари, таркибга маҳаллий клублар, жумладан, «Локомотив»нинг олти нафар (Игнаций Нестеров, Шавкат Муллажонов, Исроил Тўхтажоев, Лутфулла Тўраев, Тимур Кападзе, Жасур Ҳасанов), «Бунёдкор»нинг тўрт нафар (Сардор Рашидов, Акмал Шораҳмедов, Воҳид Шодиев, Акбар Тўраев), «Насаф» (Элдор Сунонов, Фаррух Сайфиев, Шавкат Муҳаммадиев) ва «Пахтакор» жамоаларининг (Егор Кривец, Жамшид Искандеров, Игорь Сергеев) уч нафардан аъзоси киритилган.

«Melbourne Rectangular Stadium» уйингоҳида ташкил этиладиган Австралия ва Кувейт терма жамоалари иштирокидаги уйин билан бошланадиган Осиё кубоғининг «В» гуруҳидан жой олган Ўзбекистон миллий терма жамоаси илк учрашувини 10 январь куни Шимолий Корея терма жамоасига қарши ўтказса, иккинчи турда Хитой (14 январь), учинчи турда эса Саудия Арабистони (18 январь) терма жамоаларига қарши баҳс олиб боради.

Уз навбатида, 31 январга қадар давом этадиган қитъа



чемпионатида ўзбекистонлик ҳакамлар ҳам иштирок этишини айтиб ўтиш лозим. Маълум бўлишича, мусобақа давомида Равшан Эрматовга ҳамюртимиз Абдухамидулло Расулов ва киргизистонлик Баҳодир Қўчқоров ёрдам берсалар, яна бир тажрибали реферимиз Валентин Коваленко истеъдодли лайнсменимиз Жаҳонгир Саидов ҳамда гонконглик Чоу Чун Кит билан ишлайди.

Шу ўринда мусобақа тарихи ва регламенти ҳақида икки оғиз сўз: 1956 йилдан буён ўтказилиб келинаётган футбол бўйича Осиё кубоги

баҳсларида амалдаги чемпион — Япония терма жамоаси бошқаларга нисбатан кўпроқ (тўрт марта, 1992, 2000, 2004 ва 2011 йилларда) бош совринни кўлга киритган. Эрон (1968, 1972, 1976) ва Саудия Арабистони (1984, 1988, 1996) терма жамоалари уч мартадан биринчи ўринни кўлга киритган бўлса, Жанубий Корея (1956, 1960) икки бора, Ироқ (2007), Кувейт (1980) ҳамда кейинчалик ОФКдан УЕФАга ўтиб кетган Исроил (1964) терма жамоалари бир мартадан қитъа кубоғини ўзлариники қилишган.

2006 йилда Океания фут-

бол федерациясидан Осиё Футбол конфедерациясига ўтган Австралия эса 2011 йилги кубок баҳслари финалига қадар етиб бориб, ҳал қилувчи учрашувда Кунчиқар юрт жамоасига мағлуб бўлган.

Яшил қитъанинг Мельбурн, Брисбен, Ньюкасл, Сидней ва Канберра шаҳарларида бўлиб ўтадиган чемпионатнинг гуруҳ босқичида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган терма жамоалар чорак финалга йўл олади. Финалда зафар кучган энг кучли жамоа эса 2017 йил Россияда ўтказиладиган Конфедерациялар кубоғида иштирок этади.

«ОСИЁ КУБОГИ-2015» МУСОБАҚАСИ ГУРУҲЛАРИ ҚҮЙИДАГИ КЎРИНИШГА ЭГА:

«А» гуруҳи							
№	Жамоа	1	2	3	4	Тўплар	Очко
1.	Австралия						
2.	Жанубий Корея						
3.	Кувейт						
4.	Уммон						

«В» гуруҳи							
№	Жамоа	1	2	3	4	Тўплар	Очко
1.	ҚХДР						
2.	Саудия Арабистон						
3.	Ўзбекистон						
4.	Хитой						

«С» гуруҳи							
№	Жамоа	1	2	3	4	Тўплар	Очко
1.	БАА						
2.	Баҳрайн						
3.	Эрон						
4.	Қатар						

«D» гуруҳи							
№	Жамоа	1	2	3	4	Тўплар	Очко
1.	Иордания						
2.	Ироқ						
3.	Фаластин						
4.	Япония						

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

юрт тинчлиги,
Ватан таракқиёти ва
халқимиз фаровонлигини
мустаҳкамлашда
Қуролли Кучлар сафида
хизмат қилаётган
ҳарбий хизматчиларимиз,
шунингдек,
барча ватандошларимизни
14 ЯНВАРЬ —
ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ
КУНИ
билан муборакбод этади.
Сизларга узоқ умр,
сиҳат-саломатлик,
оилаларингизга
тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.
Байрамингиз қутлуғ бўлсин,
мард ўғлонлар!



ЗА3 FORZA Автомобили для жизни!



Автосалон в Ташкенте

тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99

ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)




www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.



ЎТМОЙИЙ-СИОСИЙ ГАЗЕТА



МУАССИСА: ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ОЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАҲАБОВ.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: Нотибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 1798 Тираж: 17097

Баҳоиси келишилган нархда.

Топширилди — 20.00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© «XXI ASR» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материалларига тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририятда терлиди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2151-497X



9 772151 497009

Навбатчилар:
Ш.ХҲЖАЕВ, Ш.РАҲИМОВ.